

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336.14:336.7(575.1)

**МУСАХОНЗОДА ИКРОМЖОН СОБИРХОН ЎҒЛИ**

**КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БОШҚАРИШ  
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**


08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун  
тайёрланган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий маслаҳатчи: Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Тошкент шаҳри – 2021 йил



К

1040

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| КИРИШ .....  | 3   |
| I боб. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....   | 12  |
| 1.1. Корхоналар молиявий натижаларининг мазмуни ва уни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асослари.....   | 12  |
| 1.2. Корхоналар молиявий натижаларини самарали шакллантириш тизимида харажатларни бошқариш назарияси ва замонавий концепциялари.....                               | 35  |
| 1.3. Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислохотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги.....                                       | 48  |
| 1-боб бўйича хулоса.....   | 55  |
| II боб. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....  | 57  |
| 2.1. Корхоналар молиявий натижаларининг шаклланиш манбалари таҳлили.....   | 57  |
| 2.2. Корхоналар молиявий натижаларини шаклланишга харажат тизими элементлари таъсирининг декомпозицион таҳлили.....  | 73  |
| 2.3. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига корхона мулкӣ ҳолати таъсирининг таҳлили.....  | 90  |
| 2-боб бўйича хулоса.....   | 100 |
| III боб. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....  | 103 |
| 3.1. Сарф-харажатларни самарали бошқариш орқали соф молиявий натижани максималлаштириш имкониятлари.....   | 103 |
| 3.2. Молиявий-трансакцион харажатлар билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш орқали корхоналар молиявий натижалари самарадорлигини ошириш имкониятлари..... | 125 |
| 3-боб бўйича хулоса.....   | 143 |
| ХУЛОСА .....   | 145 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....  | 149 |

## КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида йирик корпоратив бизнес тузилмаларининг молиявий натижалари улар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлиги таъсирида шаклланувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Корхоналарда юқори молиявий натижаларга эришиш ишлаб чиқариш фаолиятининг интенсив тавсифи, мавжуд меҳнат ва молиявий ресурслар ҳамда капиталдан оқилона фойдаланишнинг асосий индикаторлари сифатида хизмат қилади. Буюк Британиянинг “The economist” газетаси халқаро экспертлари тасдиқлашича, “2019 йилда жаҳон иқтисодиёти учун 10 та асосий рисклардан бири кейинги йиллардаги сифатсиз корпоратив облигациялар ҳисобига қарзли молиялаштириш амалиётининг кучайиши ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Мазкур тенденция реал сектордаги йирик корпоратив тузилмалар ички молиялаштириш манбаларининг заифлашуви билан боғлиқ бўлиб, айти пайтда корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш муаммосининг долзарблигини намоён этади.

Ҳозирги кунда жаҳонда йирик корпоратив тузилмалар фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг самарали йўллари излаш, уларни бошқариш замонавий усуллари аниқлаш, корхоналар молиявий барқарорлигини баҳолашнинг янги илмий-услубий ёндашувларини ишлаб чиқиш, хўжалик субъектларининг истикболдаги инвестициявий жозибadorлиги, кредитга лаёқатлилиги ҳамда бозор қийматини оширишда молиявий натижаларни мақсадга йўналтирилган бошқариш тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Корпоратив тузилмалар молиявий натижаларини бошқариш тизимини такомиллаштиришда бизнеснинг хусусиятлари, ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими, тармоқлардаги вазият каби омиллар асосида танлашга эътибор қаратилиб, бизнес қиймати ва соф молиявий натижалар самарадорлиги

---

<sup>1</sup> Манба: 10 major risks to the global economy in 2019 // <https://www.economist.com/>